

**С. ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ 1-СОНЛИ
А Ж Р И М И**

2025 йил январь ойининг 30-куни, С. вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: Ш.И,

ҳайъат судьялари: Ў.Д ва Ж.Тлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси И.Ининг котиблигида, тарафлардан С. вилоят прокуратураси жинойий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Б.А, судланган А.Э ва унинг ҳимоячиси, адвокат Ю.Хларнинг иштирокида, ЭАШга нисбатан жиноят ишини ўзининг кассация шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Г шаҳар судининг 2024 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра,

ЭАШ (ЕАШ) – 07.06.1916 йилда Ж вилояти, 3 туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Тмс” МЧЖ раҳбари, Г шаҳар, Н МФЙ, Б кўчаси, 1-уй, 1-хонадонда яшайди, унга нисбатан 23.12.2023 йилда қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Г шаҳар судининг 16.02.2024 йилда ажрими билан “қамок” эҳтиёт чорасига алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, ЖКнинг 221-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида А.Энинг қамокда сақланган 13 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб, узил-кесил 2 йил 2 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Э 2019 йилдан бошлаб “Тмс” МЧЖнинг раҳбари лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимига кўра, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор ва тўлиқ моддий жавобгар шахси бўлгани ҳолда Г шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жинойий тил бириктириб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, ҳужжатларни



калбаки эканлигини била туриб, “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК С. вилоят филиалига қалбаки хужжатларни тақдим қилиб, “Ква Ж” С. вилоят филиали орқали бюджет маблағларини ноқонуний қўлга киритишни мақсад қилишиб, ўзганинг жуда кўп микдордаги маблағини ўзлаштириш йўли билан бойлик орттиришни кўзлашиб, “Osp” хусусий корхонаси раҳбари Н.М ва “Ку-к” МЧЖ раҳбари К.Алар ўртасида 2021 йил 03 сентябрь кунидаги 3-сонли тузилган шартномага асосан Г шаҳар, А маҳалласи, Б кўчасидаги кўп қаватли 1-уйнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш ишлари аслида бажарилган бўлсада, жамият ва “Ква Ж” С. вилоят филиали ўртасида 2021 йил 09 ноябрда умумий қиймати ҚҚС билан жами 190.000,0 минг сўмлик 46-сонли пудрат шартномаси тузишга эришиб, ушбу кўп қаватли турар уй-жой томини мукаммал таъмирлаш ишлари учун Г шаҳар ҳокимининг 2021 йил 20 октябрь кунидаги 90-9-130-F-21 фармойишини чиқаришиб, фармойиш орқали дастлаб 12.11.2021 йилда 57.000,0 минг сўм, 11.11.2021 йилда 133.000,0 минг сўм пулларни жамият ҳисоб рақамига ўтказишиб, 2021 йил 15 ноябрда ҚҚС билан жами 190 000,0 минг сўмлик 1-сонли ҳисоб-фактура тақдим этиб, тақдим этилган ҳисоб-фактура ва ф-5 хужжати асосида назорат-ўлчовидан ўтказилганда, пудратчи жамият томонидан 15% ҚҚС билан 190 000,0 минг сўмлик ишлар ҳажми амалда бажарилмасдан 2021 йил 15 ноябрдаги 1-сонли ҳисоб-фактура

(ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиб, ўзларига ишониб топширилган ва уларнинг ихтиёрида бўлган бюджетнинг жами 190.000,0 минг сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек, “S” МЧЖ раҳбари Р.Т ва “Ку-к” МЧЖ раҳбари К.Алар ўртасида 2021 йил 17 сентябрь кунидаги 7-сонли тузилган шартномага асосан Г шаҳар, А маҳалласи, С. кўчасидаги кўп қаватли 1-уйнинг томини мукаммал таъмирлаш ишлари аслида бажарилган бўлсада, жамият раҳбари А.Э “Ква Ж” С. вилоят филиали ўртасида 2021 йил 09 ноябрда умумий қиймати ҚҚС билан жами 190.000,0 минг сўмлик 45-сонли пудрат шартномаси тузишиб, ушбу кўп қаватли турар уй-жой томини мукаммал таъмирлаш ишлари учун ҚҚС билан жами 190.000,0 минг сўмлик 2021 йил 15 ноябрда 1-сонли ҳисоб-фактура тақдим этиб, тақдим этилган ҳисоб-фактура ва ф-5 хужжати асосида назорат-ўлчовидан ўтказилганда, пудратчи “Тмс” МЧЖ томонидан 15 фоиз ҚҚС билан 190.000,0 минг сўмлик ишлар ҳажми амалда бажарилмасдан 2021 йил 15 ноябрдаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботларга қўшиб ёзилган ҳамда “F” МЧЖ ҳамда “Ку-к” МЧЖ ўртасида 2021 йил 21 сентябрь кунидаги 2-сонли тузилган шартномага асосан Г шаҳар, С маҳалласидаги кўп қаватли 31-уйнинг мукаммал таъмирлаш ишлари аслида бажарилган бўлсада, жамият раҳбари А.Э ва “Ква Ж” С. вилоят филиали ўртасида 2022 йил 09 ноябрда ҚҚС билан жами 95.000,0 минг сўмлик 44-сонли пудрат шартномаси тузишиб, Г шаҳар ҳокимининг 2021 йил 20 октябрь кунидаги 90-9-130-F-21-



сонли фармойиши билан дастлаб 12.11.2021 йилда 27.000,0 минг сўм, 11.11.2021 йилда 61.000,0 минг сўм бюджет маблағларини молиялаштириб олиб, тақдим этилган ҳисоб-фактура ва ф-5 ҳужжати асосида назорат-ўлчовидан ўтказилганда, 15 фоиз ҚҚС билан жами 95.000, минг сўмлик ишлар ҳажми амалда бажарилмасдан 2021 йил 15 ноябрдаги 1-сонли ҳисоб-фактура

(ф-3, ф-5) шаклидаги ҳужжатларига қўшиб ёзиб, ўзларига ишониб топширилган ва уларнинг ихтиёрида бўлган бюджетнинг жами 215.000,0 минг сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан тақшари, “Тмс” МЧЖнинг раҳбари А.Э, Г шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва бошқалар ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттиришиб, “MSI” МЧЖ ва “Ку-к” МЧЖ ўртасида 2021 йил 30 апрель кундаги 11-сонли тузилган шартномага асосан Г шаҳар, Н маҳалласи, Ўзбекистон кўчасидаги кўп қаватли 111-уйнинг мукамал таъмирлаш ишлари аслида бажарилган бўлсада, “Ква Ж” С. вилоят филиали ўртасида 2022 йил 15 мартда умумий қиймати ҚҚС билан жами 241.099,0 минг сўмлик 3-22-сонли пудрат шартномаси тузишга эришиб, Г шаҳар ҳокимининг 2022 йил 02 февраль кундаги 17-9-130-F-22 фармойишини чиқаришиб, фармойиш орқали дастлаб 16.03.2022 йилда 72.329,7 минг сўм, 11.03.2023 йилда 161.769,3 минг сўм пулларни жамият ҳисоб рақамига ўтказишиб, 2022 йил 17 мартда ҚҚС билан жами 241.099,0 минг сўмлик 1-сонли ҳисоб-фактура тақдим этиб, тақдим этилган ҳисоб-фактура ва ф-5 ҳужжати асосида назорат-ўлчовидан ўтказилганда, пудратчи жамият томонидан 15 фоиз ҚҚС билан 241.099,0 минг сўмлик ишлар ҳажми амалда бажарилмасдан 2022 йил 17 мартдаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиб, ўзларига ишониб топширилган ва уларнинг ихтиёрида бўлган бюджетнинг жами 241.099,0 минг сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шу билан бирга, “С. строй систем” МЧЖ ва “Ку-к” МЧЖ ўртасида 2021 йил 11 март кундаги 1-сонли тузилган шартномага асосан Г шаҳар, Ш маҳалласи, А.Н кўчасида жойлашган кўп қаватли 1-уйда мукамал таъмирлаш ишлари аслида бажарилган бўлсада, жамият раҳбари А.Э Г шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, “Ква Ж” С. вилоят филиали ўртасида 2022 йил 15 мартда ҚҚС билан жами 232 991,0 минг сўмлик 1-22-сонли пудрат шартномаси тузишга эришиб, Г шаҳар ҳокимининг 2022 йил 02 февраль кундаги 17-9-130-F-22-сонли фармойишини чиқаришиб, фармойиш орқали дастлаб 16.03.2022 йилда 69.196,4 минг сўм, 11.03.2023 йилда 163.101,6 минг сўм пулларни жамият ҳисоб рақамига ўтказишиб, 2022 йил 17 мартда ҚҚС билан жами 232.991,0 минг сўмлик 1-сонли ҳисоб-фактура тақдим этиб, тақдим этилган ҳисоб-фактура ва ф-5 ҳужжати асосида назорат-ўлчовидан ўтказилганда, пудратчи жамият томонидан 15 фоиз ҚҚС билан 232.991,0 минг сўмлик ишлар ҳажми амалда бажарилмасдан 2022 йил 17 мартдаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиб,



ҳисоботларни расмийлаштириб, ушбу сохта ҳужжатларни имзолаб ва корхона муҳри билан тасдиқлаб, ўзига ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг жами 949.097,2 минг сўмлик пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шикоятда, суд даврида қамокқа олинганлиги сабабли барча айбни тан олганлиги, қурилиш ишларини олиб борган фирмаларга пуллар тўланганлиги, бу бўйича тилхатлар олинганлиги, ҳокимият томонидан пуллар тўланган бўлсада унинг маблағлари ҳам ундирилиши белгиланганлиги, бу ҳолатлар суд томонидан инобатга олинмаганлиги, бюджет маблағлари талон-торож қилинмаганлиги, ҳокимиятнинг ноқонуний ишига аралашганлиги сабабли алданганлиги ҳақида важлар келтирилиб, суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати иш юзасидан судья Ж.Тнинг маърузасини, судланган А.Э ва адвокат Ю.Хларнинг шикоятни қаноатлантириб, оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги, прокурор Б.Анинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни шикоятдаги важлар билан солиштириб, текшириб чиқиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, А.Энинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик кўрсатувларидан ташқари терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида тўпланган ҳужжатлар, жиноят ишидаги текшириш юзасидан тузилган далолатномалар ва илова ҳужжатлари билан, Г шаҳар, А маҳалласи, С. кўчаси кўп қаватли 1-рақамли кўп қаватли турар уй-жой томини мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, А маҳалласи, Б кўчаси 1-рақамли кўп қаватли турар уй-жой томини мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, С МФЙда жойлашган 31-рақамли кўп қаватли турар уй-жойни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 111-рақамли кўп қаватли турар уй-жойни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, А.Н кўчаси 1-рақамли кўп қаватли турар уй-жойни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, С. вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг 2023 йил 31-майдаги 73-сонли буйруғига асосан бош назоратчи тафтишчиси Ш.Э томонидан С. вилояти Г шаҳар, А МФЙ, Б кўчаси 1, С. кўчаси 1, Ш МФЙ №1, Н МФЙ, №1 ва С МФЙ №1-мавжуд кўп қаватли турар уй-жойларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари юзасидан молиявий назорат тадбири бўйича 13.06.2023 йилда тузилган далолатномаси билан, тўлов топшириқномалари



№3261100045, №3261100047, №3261100046, №3261100041, №3261100055, №3261100127, №32611305, №3261100311, №3261100304, №3261100316, №3261100315 ва №3261100317 билан, етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш тўғрисидаги тўлов қвитанциялари билан, О.К ва А.Элар ўртасида олиб борилган сўзлашувларни кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомалари билан ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа инкор этиб бўлмайдиган объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, биринчи босқич суди томонидан судланган А.Энинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 221-моддаси 2-қисми “б” банди тўғри квалификация қилинган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати, шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, уларга танқидий баҳо бериб, уларни қуйидагиларга асосан рад этишни лозим топди.

Жумладан, судланган А.Энинг, ...тендерда ўйнашидан олдин Г шаҳар, А маҳалласи, Б кўчасидаги кўп қаватли 1-уй, С. кўчасидаги кўп қаватли 1-уйнинг том қисмини мукамал таъмирлаш, Г шаҳар, С маҳалласидаги кўп қаватли 31-уйнинг мукамал таъмирлаш бажарилганидан хабари бўлгани, ҳисоб рақамига бошида 30 фоиз пул тушгани, кейин 2021 йилнинг март ойи охирида ҳамма пуллар 100 фоиз тушгани, ушбу биноларда қурилиш таъмирлаш ишларини амалга оширмаган бўлсада, бажарилди деб ҳужжатлар инжиниринг компаниясида тайёр ҳолатда бўлгани, шаҳар ҳокими ўринбосарлари Ғ.Б ва Б.Млар форма-2, форма-3 ва бошқа қилинган ишлар ҳақидаги барча ҳужжатлар тайёр ҳолатда инжиниринг компаниясида тайёрлангани, ҳужжатларни ҳаммасини шаҳар ҳкомиятидан Ахмадиёрдан олиб инжиниринг компаниясида бухгалтер бўлиб ишлаган И акага бориб учрагани, Г шаҳар, А маҳалласи, Б кўчасидаги кўп қаватли 1-уй, С. кўчасидаги кўп қаватли 1-уйнинг том қисмини мукамал таъмирлаш, Г шаҳар, С маҳалласидаги кўп қаватли 1-уйнинг мукамал таъмирлаш ишларини счот фактуралари, форма-2, форма-3, бажарилган ишлар ҳақидаги барча ҳужжатлар билан Н акага учрашишини айтгани учун у билан учрашиб, бирга объектларни бориб кўриб келиб, ишлар бажарилганлигини тасдиқлаб имзолагани, ушбу объектларда ҳам жамияти томонидан умуман қурилиш ишлари олиб борилмагани, шу билан қолган 70 фоиз пуллар жамият ҳисоб рақамига тўлиқ тушириб берилганида, бу пулларни ҳам шаҳар ҳокими ўринбосарлари Ғ.Б ва Б.Млар айтган қурувчиларга тилхат асосида тарқатгани, қолган пулларни олдин қарз сифатида ўзининг жамияти ҳисоб рақамидан олинган пуллар эвазига олиб ишлатгани, юқоридаги бешта объект бўйича ҳисоб рақамига келиб тушган пулардан 242.000.000 сўмини ҳақиқатдан ҳам ушбу объектларда қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борган қурувчиларни ҳисоб рақамларига пул кўчириш йўли билан ўтказиб бергани, бир қисмини бўлса нақд кўринишда ўзларига бергани, бу ишларни Ғ.Б ва М.Мларни гапларига ишониб, ҳеч қандай муаммо бўлмайди, қурувчиларга шу йўл орқали пул берилади, шу йўл орқали фирманг тоза балларини ошириб оласан, балларни ошириб олсанг тендерларда қатнашиб, қурилиш



обектларини ютиб олиш осон бўлади” деганлиги сабабли 949.097,2 минг сўмлик ишларни бажармаган бўлсада, ишлар бажарилган деб шунча миқдордаги пулларни ҳисоб рақамига тушуриб, бир қисмин қурувчиларга бериб, бир қисмини ўзи ишлатгани, ҳозирда етказилган зарарларни тўлик ошиғи билан қоплагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

- фуқаровий даъвогар Ғ.Анинг, ...орадан бир неча кун ўтганидан кейин Б.М билан гаплашганида, Г шаҳар, Ш маҳалласи, А.Н кўчасидаги кўп қаватли 1-уйда таъмирлаш ишлари бўйича барча ҳужжатларни ЭАга ташлаб беришини айтгани, ўзининг 11 рақамидан А.Энинг телеграм ижтимоий тармоғи орқали қурилиш бўйича шартномалар, форма-2, форма-3 ва бошқа ҳужжатларни электрон вариантларини ташлаб бериб, пул тушишини кутгани, лекин ҳисоб рақамига ҳеч қанча пул келиб тушмагани, топширган ҳужжатлари бўйича нима бўлганлигини билиш мақсадида шаҳар ҳокимиятига боргани, бу ишлар бўйича пуллар чиқиб кетгани, “Тмс” МЧЖ, яъни А.Эга чиқиб кетганлигини билиб, шаҳар ҳокими ўринбосари Б.М ва Ғ.Блар билан гаплашгани, улар билан ўзаро тортишиб Б.М қилинган ишлар бўйича пулларни тушириб бериш ҳақида қафолат хати ёзиб чиқариб бергани, улардан Г шаҳар, Ш маҳалласи, А.Н кўчасидаги кўп қаватли 1-уйни таъмирлаш ишларини бажарган бўлса қандай Анинг жамиятига пул тушганлигини сўраганида, унга чиқадиган пул Ага чиқиб, бошқа қурувчиларга тарқатиб берилгани, “шошмай турсам яна пул чиқса ўша пуллардан берамиз” деганида ишониб, яна қайтиб кетгани, А.Э билан бажарган ишлар бўйича ҳужжатлар унинг жамияти томонидан бажарилганлиги, унга пуллар тушганлигини айтганида, шаҳар ҳокимиятидан айтишганлиги учун рози бўлгани, уларнинг ўзлари билан гаплашишини айтгани, шу билан пулларни сўраб талаб қилаверганлиги сабабли Ғ.Б 47 млн. сўм бериб, 50 млн. сўм олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беришини айтиб, 47 млн. Бергани, 3 млн. сўми обнал қилиш учун кетганлигини айтганида, ноилож рози бўлгани, бажарган ишлари учун А.Эга тегишли бўлган жамият ишни бажарди бўлиб, унинг жамиятига пуллар тушиб, бир 11 млн. кейин эса 47 млн. сўм пулларни олиб, бошқа пуллар олмагани, бажарган ишни А.Э бажарди деб сохта ҳужжатлар билан унинг жамиятига пуллар тушиб бошқа мақсадларда ишлатилиб кетгани ҳақида берган кўрсатуви билан;

- фуқаровий даъвогар Н.Мнинг, ...тахминан 2 ойлардан кейин шаҳар ҳокимиятига борганида, бажарган ишлари учун О.Кулибаев ва А.Эларга тегишли фирмаларга қалбаки ҳужжатлар тайёрлашиб, пулларни чиқариб талон-тарож қилишганини билгани, бу ҳолат юзасидан Ғ.Б билан тортишиб қолгани, шу билан Ғ.Б унга 24 млн. сўм пул бергани, “Н” МФЙ ва “Б” МФЙдаги бошқа қурилиш таъмирлаш ишларини олиб борган кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишларини олиб борилганлиги бўйича 200 млн. сўмлик ҳужжатларини судга беришиб, 11 млн. сўм пул чиқаришгани, бу пуллар ҳам О.Книнг “Г таъмирлаш хизмати” МЧЖга тушгани, бу пуллардан 45 млн. сўмини ўзининг қарзларини ёпганлигини эшитгани, 71 млн. сўм пуллар қаерга ишлатилганидан хабари йўқлиги, Г шаҳар, А маҳалласи, Б кўчасидаги



кўп қаватли 1-уйнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш ишлари бажарганлиги юзасидан бир неча бор юқори ташкилотларга ариза қилганида Ғ.Бни топшириғи билан А.Э 100.000.000 сўм бергани, қолган пулларни ололмагани, шу сабабли иш бажармасдан туриб у томонидан бажарилган ишлар учун пулларни олиб ўзлаштирган А.Э, О.Қ ва Г шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан қонуний чора кўриб, пулларни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

- фуқаровий даъвогар Р.Тнинг, ... пуллар А.Эни фирмасига тушганлигини билиб пулларни сўрайверганлиги сабабли ҳоким биринчи ўринбосари Ғ.Б шаҳар ғазна бўлимида 67 млн. сўм пуллари тургани, инжиниринг компанияси ДУК билан Г шаҳар, А маҳалласи, М кўчаси, 1-уйни таъмирлаш ишларини бажарганлиги ҳақида шартнома тузишни айтгани учун Ғ.Бнинг топшириғи билан ДУКга бориб, у ердаги “И” исмли шахс билан кўришиб, юқоридаги 1-уйда таъмирлаш ишларини бажариш бўйича тендерга қўйилиши ҳақида шартнома тузишни айтганида, ДУК ходимлари норозилик билдириб, бу нотўғри иш деб, улар жамияти билан шартнома тузмаслигини айтганида, шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари Ғ.Бнинг хонасига қайтиб боргани, Ғ.Б ДУК раҳбари Зиёдулла ака ва И акаларни ўзининг хонасига чақириб, улар ўзлари ўзаро гаплашиб олишгани, 2022 йил май ойининг бошларида яна Ғ.Бни олдига борганида, у билан шартнома тузилиши, фақат ўша суммага лойиҳа смета топиш керак деб айтгани, А.Т Ғ.Бнинг топшириғи билан қаердандир 67 млн. сўмлик лойиҳа сметани топиб келиб, ушбу лойиҳа смета билан форма-2, форма-3, форма-5 ва бошқа ҳамма керакли ҳужжатларни А.Т тайёрлаб, бирга инжиниринг компанияси ДУКга биргаликда олиб бориб топширишгани, қилинган ҳужжатлар бўйича Г шаҳар, А маҳалласи, М кўчасидаги кўп қаватли 1-уйни таъмирлаш ишларини бажариш бўйича “Е-тендерга” қўйилиб, тендер давомида бажарилган ишларни 60 млн. сўмга амалга оширилиши ҳақида тендерга қўшимча киритиб, шу билан “S” МЧЖ кўп қаватли 1-уйнинг таъмирлаш ишларини бажаришни ютиб олиб, ғазнага бориб пулларни вилоят прокурори С.Мавлонов ва шаҳар прокурорларига мурожаат қилганидан сўнг бошида 30 фоиз 11 млн. сўм, кейин эса орадан 3 кун вақт ўтганидан сўнг қолган 70 фоизи, яъни 42 млн. сўм пул жамият ҳисоб рақамига ташлаб берилгани, ҳисоб рақамига ўзи таъмирлаш ишларини бажармаган 1-уй бўйича 60 млн. сўм пуллар тушгани, бу пулларни шаҳар ҳудудида қилинган ишлари учун ўзига олиб қолиб, ўзининг ишчи ходимларига тарқатиб бергани, Г шаҳар, А маҳалласи, Б 1-уй ва С. 1-уйларни том қисмини таъмирлаш ишлари учун А.Т билан умумий қиймати 700 млн. сўмлик шартнома тузилиб, икки кўп қаватли хонадоннинг том қисми учун 396 млн. сўмлик ишлар бажарилиб, форма-3 ва форма-5 ҳисоботлари тайёрланиб топшириш қабул қилиш амалга оширилгани, бажарилган ишлар учун 50 млн. сўм пулни Ғ.Бдан олгани, жами бўлиб-бўлиб А.Э, Б.Млардан 227 млн. сўмга яқин пул маблағларини олгани, ҳозирда иш бажарилиб ололмаган 161 млн. сўм пулларни ундириб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб берган кўрсатуви билан;



- Г шаҳар, А маҳалласи, С. кўчаси кўп қаватли 1-рақамли кўп қаватли турар уй-жой томини мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, А маҳалласи, Б кўчаси 1- рақамли кўп қаватли турар уй-жой томини мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, С МФЙда жойлашган 31-рақамли кўп қаватли турар уй-жойни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 111-рақамли кўп қаватли турар уй-жойни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, Г шаҳар, А.Н кўчаси 1-рақамли кўп қаватли турар уй-жойни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақидаги 1-сонли ҳисоб-фактура (ф-3, ф-5) шаклидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан, С. вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг 2023 йил 31-майдаги 73-сонли буйруғига асосан бош назоратчи тафтишчиси Ш.Э томонидан С. вилояти Г шаҳар, А МФЙ, Б кўчаси 1, С. кўчаси 1, Ш МФЙ №1, Н МФЙ, №111 ва С МФЙ №31-мавжуд кўп қаватли турар уй-жойларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари юзасидан молиявий назорат тадбири бўйича 13.06.2023 йилда тузилган далолатномаси билан шикоятда келтирилган вазларни тўлиғича рад этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 1-бандида "судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим"лиги, Қарорнинг 3-бандида "Жиноят кодексининг 1, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди, судланувчи А.Эга нисбатан жазо тайинлашда, юқоридаги Пленум қароридаги тушунтиришларини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми ва 221-моддаси 2-қисми санкцияларида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида якуний жазо тайинлаб, қонуний тўхтама келган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати, келтирилган кассация шикоятини рад қилишни, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509/7, 509/9, 509/10-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Г шаҳар судининг 2024 йил 21 февралдаги ЭАШга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантормасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи	(имзо)	Ш.И
Ҳайъат судьялари	(имзо)	Ў.Д
	(имзо)	Ж.Т
“ажрим нусхаси аслига тўғри”		
Вилоят судининг судьяси		Ж.Т

